

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарканд вилояти ҳудудий бошкармаси, бир томондан Низоми асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги С.Зиядуллаев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади ва “Таъмирлойиха” МЧЖ, бундан кейин “Бажарувчи” деб номланади Устав асосида иш юритувчи директор Д.Б.Кодиров бошқа томондан, ушбу шартномани туздилар:

1. Шартноманинг мавзуси

- 1.1 “Самарканд шахри А.Жомий маҳалласи Аҳоли эҳтиёжи учун ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар (эскирган)” лойиҳа-смета ҳужжатларини (арт, экология, геология, топо-харита ва экспертиза хулосаси билан) ишлаб чиқиш.
- 1.2 Буюртмачи кўрсатма беради ва молиялаштиради, бажарувчи ишларни ШНК 1.03.01-16 Корхоналар, биналар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби асосида бажарилишини ўз зиммасига олади ҳамда ШНК 1.03.07-2010 Қурилишда меъморий-техник назорат тўғрисидаги низом талаблари асосида муаллифлик назоратни юритади.
- 1.3 Шартномани бажаришни бир томонлама рад этиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 1.4 Бажарувчи буюртмачининг ёзма розилигисиз ишнинг бир қисмини, яъни Бажарувчи томонидан олиб борилмайдиган махсус тадқиқот турларини бажариш учун субпудрат шартномасини тузишга ҳақлидир.

II. Тарафларнинг вазифалари.

2.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.1.1. Техник топшириқларга ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш, буюртмачи билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини мувофиқлаштириш, буюртмачига шартнома бўйича бажарилган барча ҳужжатларни топширади.
- 2.1.2. Бажарувчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга ушбу шартнома бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни топширишга ҳақли эмас.
- 2.1.3. Бажарувчи ушбу объектда қурилиш – монтаж, таъмирлаш ишлари якунлангунига қадар муалифлик назоратини олиб боради ва шу жараёнда асосли бўлган ўзгаришларга белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштиради.kanalizatsiya

2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.2.1. Иш бошланишидан олдин, бажарувчига ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида дастлабки ишлаб чиқилган ҳужжатларни (техник топшириқларни) тақдим этади.
- 2.2.2. Ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартларига асосан бажарувчига белгиланган шартнома қийматини тўлайди.
- 2.2.3. Буюртмачи бажарувчига ишларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.
- 2.2.4. Буюртмачи ишлаб чиқилган ҳужжатлар (лойиҳа-смета ҳужжатлар)ни фақат ушбу объект учун пудратчига топширишга ҳақлидир, лойиҳа-смета ҳужжатларини бошқа ташкилот ва шахсларга беришга фақат буюртмачи ташкилотини розилиги билан амалга оширилади.

III. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш тартиби.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 1-илова нархларни келишув баёнига асосан ҚҚС билан, **900 900 (туқкиз юз минг туқкиз юз) сўм.**
- 3.2. Буюртмачи бажарувчига шартнома умумий қийматининг 30% миқдориди, яъни **270 270 (икки юз етмиш минг икки юз етмиш)** сўм бўнак ўтказишни ўз зиммасига олади.
- 3.3. Бажарувчи икки томонлама шартнома имзолангандан сўнг ишларни бошлайди шундан сўнг шартнома шартлари кучга киради.
- 3.4. Буюртмачи шартнома суммасининг қолган қисмини бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура иккала томон имзолаганидан кейин ва тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ молиялаштиради.

IV. Ишла беш юзрни етказиб бериш тартиби

- 4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва расмийлаштириш техник топшириқ талабларига мувофиқ белгиланади.
- 4.2. Бажарувчи томонидан расмийлаштирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқ билан белгиланади.
- 4.3. Бажарувчи ишларни якунлагандан сўнг, буюртмачига техник топшириқда назарда тутилган ҳужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ишни топшириш қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.
- 4.4. Ишларни бажариш муддати **10 кун.**
- 4.5. Иш бошлаш вақти - бўнак тушган кундан бошлаб
- 4.6. Буюртмачи бажарувчидан техник топшириқда кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кундан бошлаб **10** кун ичида қабул қилишни ўз зиммасига олади;

- 4.7. Агар бажарилган ишда нуксонлар аниқланса, бажарувчи уларни бартараф этиб, сўнгра 10 кун ичида тузатилган ишни буюртмачига топширишга мажбурдир.

V. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

- 5.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида топширмаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.
- 5.2. Буюртмачи бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйган ҳолларда, Бажарувчи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир;
- 5.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон иккинчи томонга ёзма равишда хабар юборади.
- 5.4. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни қоплаш учун шартнома қийматига нисбатан 20 фоиз жарима тўлайди.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги ёки лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун, буюртмачи фойдасига бажарувчидан бажарилмаган иш ҳажмининг 0,5% миқдориди пеня ушлаб қолинади. кечиктирилган ҳар бир кун учун. Бундай ҳолда, пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.2. Иш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, буюртмачи бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан кўп бўлмаслиги лозим.
- 6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун бажарувчи ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкый жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Томонлар ўртасида хўжалик шартномаларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишдан келиб чиқадиган низо, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар музокаралар йўли билан, шунингдек даъво тартибида ҳал этилади.
- 7.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Самарқанд вилояти ва туманларо иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

VIII. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ҲОЛАТЛАРИ

(Форс-мажор)

- 8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қилган бўлса:
Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари кучга кирган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади.
- 8.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, бажарувчи ва буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қилади.
- 8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, унда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

XI. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Ушбу шартнома ҳудудий газначилик бўлини масида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабр гача амал қилади.
- 9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган:
- 9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро розилиги билан амал қилади ва қўшимча битим шаклида амалга оширилади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Самарқанд ш. Кўксарой майдони 1.

Банк: Марказий банк Тошкент ш.

Ҳ/р: 30182186018401706320/110161

МФО: 00317 **ИНН:** 305979178.

Газна ҳ/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 **МФО:** 00014

Бошқарма бошлиги:  С.Зиядуллаев
М.У. (имзо)

Юрист:  А.Ибрагимов

«БАЖАРУВЧИ»

Номи: “Таъмирлойиҳа” МЧЖ

Манзил: Самарқанд шаҳар Нарпай кучаси 22уй

Банк номи: АКБ «Ипотека банк» Самарқанд ш.

Хисоб рақами: 20208000500307748001

МФО: 00312

СТИР (ИНН): 200714814

ОКЭД: 71110

Директор:  Д.Б.Кодиров

